

Олимжон Ҳайит

Менинг
Маъюсгина
Болалигим



Олимжон ҲАЙИТ

**МЕНИНГ МАЪЮСГИНА
БОЛАЛИГИМ
(Воқеий қисса)**

Тошкент - 2018

Болалигим гарчи бир умр хотирамга михланиб қолган бўлса-да, узоқ йиллар уни қоғозга туширишга қийналиб яшадим. Аниқроғи, аччиқ, маъюсгина ўтмишимни эслаганимда, қалб туғёнларим қўлимга қалам олишга қўймасди.

Бугун эса шу туғёнлардан зўрроқ келишга уриндим ва бошимдан кечирган оғир кунларни кичик ҳикоялар кўринишида ўқувчимнинг эътиборига ҳавола этишни маъқул топдим...

Тўй

Куз ойларининг бири эди. Мен кузнинг бошларида роппа-роса олти ёшга тўлдим. Лекин қишлоқда бу кунни байрам қилишмасди. Ҳатто, эслаб ўтиришмасди. Фарзандини ҳаддан ташқари яхши кўрганлар уни чақириб, қўлига хўрозқандми, попукқандми тутқазиб, **“Бугун сен фалон ёшга тўлдинг, чироғим”** деб қўйишарди.

Мени ҳам туғилган кунимда Баҳриниса бувим хўрозқанд билан сийлади.

Кувончимнинг чеки йўқ эди. Ахир, хўрозқандни фақат бозорда сотишади! Бозор эса бизнинг қишлоқдан анча олисда. Мен каби болакайлар ҳеч қачон у бозорга етиб бора олишмайди...

Қолаверса, бугун қўшнимиз Қўчқор ака уйланыпти. Бундай тўйда биз болакайларга маза. Келин келгунча

кўчада шаталоқ отиб ўйнаймиз. Кейин томга чиқиб ашулачиларни томоша қиламиз...

Аксига олгандек, тушдан кейин бирдан ҳаво айниб ёмғир томчилай бошлади. Юрагим сиқилиб, деразадан ташқарига боққанча хаёлга чўмдим.

Олти яшар бола нимани ҳам ўйларди. Ўртоқларимни қандай даста ўйинида ютиш, тўй бошлангач, томда ким билан бирга ўтириб ашулачи томоша қилиш ҳақида бош котирдим.

Эх, қанийди ёмғир тина қолса! Тобора кучайиб, худди эзма кампир каби майдалаб шиваларди...

Шу кўйи шомгача ўтириб қолдим. Бувим ҳам чақирмабди. Кўзларим юмила бошлаганда қулоғимга карнайнинг ғат-ғути чалинди-ю, хушёр тортиб, бошимни кўтардим.

Вақт хуфтонга яқинлаб қолган экан. Югуриб ташқарига чикдим-у, қувониб кетдим. Ура, ёмғир тинибди! Келин ҳам келибди!

Шоша-пиша бувим ва бобом ўтирадиган хонага кириб улардан рухсат сўрадим-да, тўйхонага йўл олдим.

Намгарчилик сабабли томга чиқишнинг иложи йўқ эди. Катталарни оралай-оралай столга яқинлашдим.

Бир маҳал қарасам, мендан сал каттароқ бола стол устидаги ичимликлардан бирини олди-да, аста ортга тисланиб ўзини ҳовлига урди.

— Ие, — ўйладим ўзимча. — булардан олса бўларканми?.. Бувим билан бобомга биттасини опкириб

берсам-чи?.. Роса хурсанд бўлишарди. Менга яна бозордан хўрозқанд опкелиб беришарди...

Шундай хаёллар билан мен ҳам қўлимни чўзиб яшил рангли ичимлик тўла шишани қўлимга олдим ва орқага ўгирилдим. Шу пайт тепамда Қўчқор аканинг қариндошларидан бири, захил юзли амаки пайдо бўлди. Исмини билмасдим-у, лекин ундан жуда қўрқардим. Қачон шу хонадонга келса, биз болаларни тизғитиб қувларди.

— Ҳа, етимча! — қўлимдаги шишага ёпишди у. — Ўғирлик қиладиган одатинг ҳам борми ҳали?.. Қани, буёққа юр-чи!..

— Қўйворинг мени! — кўзимда ёш ғилтиллаб, ғингшиганча силтаниб амакининг қўлидан чиқишга уринардим.

Амаки мени кўярда қўймай уйимизга судраклаб кирди.

— Ҳой, Баҳри хола, — ичкарига кира солиб кичқирди у. — манавинингизга мундоқ тарбия берсангиз бўлмайдими? Қаранг, тўйхонага кириб ичимлик ўғирляпти экан!.. Етимчалигига борибди-да барибир-а?!.

Бувим ҳайрат аралаш бир менга, бир амакининг қўлидаги шишага тикилиб турди-да, кулоқ чаккамга шапалоқ тортиб юборди.

— Сени шу ниятда катта қияпмизми, жувонмарг? — йиғи аралаш мени койий кетди бувим. — Бировларнинг қўлига қарамасин деб жон олиб жон берсак-у, сен ўғирлик қиласанми?..

Шу кечани мен ҳовлидаги бир оёғи қийшайиб қолган сўрида ўтириб ўтказдим. Ўксиб-ўксиб йиғларканман, ахён-ахёнда бувим ва бобом ётган хонага қараб олардим. Лекин улар бир марта бўлсин ташқарига чиқиб мени юпатишмади...

Энди ўйласам, ўшанда меҳрибонларимни қаттиқ ранжитган эканман. Шунинг учунми, баъзи-баъзида қишлоққа борганимда, кимникидадир тўй бўлаётганини эшитсам, маънос тортиб қоламан. Ўтмишдаги ўша аччиқ хотира бағримни тирнайди.

Ҳозир тўйларга сира-сира боргим келмайди.

Менинг дадам қани?

Гарчи биринчи синфга чиққан бўлсам-да, ўйинқароқлигим қолмаганиди. Кўпинча биздан уч уй нарида турадиган жўрам Шавкат билан бирга ўйнардим. Чунки унинг ўйинчоқлари кўп. Дадаси ҳар куни турли ўйинчоқлар кўтариб келарди. Шавкат эса янги ўйинчоқ кўлига теккан заҳоти мени чақириб мақтанарди.

Айниқса, янги велосипедини менга кўз-кўз қилган куни қотиб қолдим.

Икки ғилдиракли велосипед ял-ял товланиб, кўзларимни қувнатиб юборди.

— Менам бир минай-й! — ялина бошладим велосипедини маҳкам ушлаб олган Шавкатга. — Жон жўра, берақол! Бир марта ҳов анави дарвозагача бориб келаман холос!..



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4253> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4253> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4253>